



## А Ж Р И М

(назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иктисодий ишлар бўйича судлов хайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида)

Тошкент шаҳри

2020 йил 6 июль

4-1001-1909/28432-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси И.Таджиев, “Qimmatli qog'ozlarning Markaziy depozitariysi” давлат корхонаси ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган ҳолда, даъвогар К.Бекходжаевнинг жавобгарлар масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Совпластитал” кўшма корхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигидан солидар тартибда 591 258 735,86 сўм зарарни ундириш ва ундирувни масъулияти чекланган жамиятининг кўчмас мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан юритилган иш бўйича қабул қилинган Тошкент шаҳар иктисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 14 майдаги қарори устидан даъвогар томонидан берилган назорат шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг 2007 йил 14 декабрдаги 35-К-По-сонли буйруғи ва 2007 йил 11 октябрдаги “Совпластитал” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига асосан “Совпластитал” масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамиятига ўзгартирилган.

“Совпластитал” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади)га 2007 йил 2 августда 003141-сонли давлат ордери берилган ва унга кўра, АЖнинг 30 фоиз акциялари улуши давлатга, 66,67 фоиз акциялари улуши меҳнат жамоаси аъзолари, яъни жисмоний шахсларга, 2,15 фоиз акциялари улуши “Флорал Силк” чет эл фирмасига тегишли эканлиги қайд этилган.

Натижада АЖ меҳнат жамоаси, шу жумладан К.Бекходжаев (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади)га тегишли бўлган акциялар давлат улушига ўтказилган ва давлат улуши 96,67 (30 + 66,67) фоизни ташкил этган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10-1704/14493-сонли иши бўйича қабул қилинган 2017 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори билан 1993 йил 20 апрелдаги “Совпластитал” кўшма корхонасининг бошқаруви қарори, 1996 йил 22 январдаги



“Совпластитал” кўшма корхонаси иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори, 1997 йил 4 апрелдаги “Совпластитал” ЁАЖ кўшма корхонаси меҳнат жамоасининг конференцияси қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг 1997 йил 6 январдаги 01к-ПО-сонли ва 2007 йил 14 декабрдаги 35к-ПО-сонли буйруқлари, 1997 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва “Совпластитал” ЁАЖ кўшма корхонаси ўртасида тузилган ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги шартнома-келишув, 1997 йил 4 ноябрдаги 1277-сонли давлат ордери, 1998 йил 9 апрелдаги “Совпластитал” ЁАЖ кўшма корхонаси акциядорларининг умумий йиғилиш қарори, 1998 йил 5 ноябрдаги ва 2007 йил 29 июндаги “Совпластитал” МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори, 2007 йил 11 октябрдаги АЖ акциядорларининг умумий йиғилиш қарори, 2008 йил 7 январда Q0695-сон билан рўйхатга олинган АЖ акциялари эмиссияси рисоласи хақиқий эмас деб топилган ҳамда “Совпластитал” кўшма корхонаси устав фондидаги 96,67 фоиз давлат улуши ҳуқуқи тан олинган.

Мазкур ҳал қилув қарори Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 7 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

2017 йил 19 августдаги АЖ иштирокчилари умумий йиғилиши қарорига асосан АЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари МЧЖ этиб ўзгартирилган.

“Hisob va Biznes Baholash” масъулияти чекланган жамиятининг 2017 йил 22 декабрдаги 01/124-ДО-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан МЧЖдаги 96,67 фоиз давлат улушидаги акциялар пакетининг бозор баҳоси 161 708 554 180 сўм эканлиги аниқланган.

Ушбу баҳолаш ҳисоботида асосланиб, даъвогар Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасидан солидар тартибда 591 258 735,86 сўм зарарни ундириш ва ундирувни МЧЖнинг кўчмас мулкига қаратишни сўраган.

Бунга асос қилиб, даъво аризасида давлат улушидаги акциялар пакети қийматининг аввал даъвогарга тегишли бўлган 0,365632 фоизининг қиймати 591 258 735,86 сўмни ташкил қилишини кўрсатган.

Ишни кўриш жараёнида “Qimmatli qog'ozlarning Markaziy depozitariysi” давлат корхонаси (бундан буён матнда учинчи шахс деб юритилади) ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Шунингдек, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси унинг ҳуқуқий вориси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) алмаштирилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 10 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, МЧЖдан даъвогар фойдасига 591 258 220,82 сўм зарар ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмларини, шу жумладан Агентликка нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилган.



Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 14 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори устидан даъвогар назорат шикоятни билан мурожаат қилган ва унда суд ҳужжатини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Суд, даъвогарнинг назорат шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён ИПК деб юритилади) 312-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига кўра, агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини ўрганиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Назорат шикоятида апелляция инстанцияси судига акцияларнинг 0,365632 фоиз микдордаги улуши даъвогарга тегишлигини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим қилганлиги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 33-моддасида жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини инсофли эгалловчи жамият акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳамда уларнинг муомаласи бўйича битимлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни айбдор шахслардан талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 15 ва 205-моддаларида давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозимлиги белгиланганлиги, апелляция инстанцияси суди Давлат мулки кўмитаси Эксперт маркази собиқ директори А.Кравченконинг суд мажлисида гувоҳ сифатида берган кўрсатмаларини инобатга олмаганлигини ваз қилиб кўрсатган.

Қонун 21-моддасининг бешинчи қисмига биноан акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

Аниқланишича, даъвогарнинг 0,365632 фоиз улуши жамиятнинг меҳнат жамосига ҳисобланган соф фойдадан вужудга келган бўлиб, кейинчалик ушбу



улушни вужудга келтирган умумий йиғилиш қарори, буйруқ ва келишувлар қонунга зидлиги сабабли Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10-1704/14493-сонли иқтисодий иш бўйича қабул қилинган 2017 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилган.

ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига кўра, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 24-бандида, ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига асосан битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шартлиги белгиланганлиги, бунда олинган нарсани аслича қайтариб бериш имконияти бўлмаган ҳолларда (мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) олинган нарсанинг ўрнини тўлдириш миқдори ўхшаш вазиятларда, одатда ўхшаш мол-мулкдан фойдаланиш (ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш) учун олинадиган баҳо бўйича аниқланиши лозимлиги тўғрисида судларга тушунтиришлар берилган.

Мазкур ҳолатда АЖга берилган 2007 йил 2 августдаги 003141-сонли давлат ордерига кўра, АЖнинг 66,67 фоиз акциялари улуши меҳнат жамоаси аъзоларига қорхонанинг соф фойдаси ҳисобига шакллантирилган. Яъни, даъвогар томонидан акциялар (улуш) сотиб олинмаган.

Шунингдек, назорат шикоятда судлов ҳайъати 2020 йил 19 мартда бўлиб ўтган суд мажлисида суд музокараларидан кейин қарор қабул қилиш учун маслаҳат хонасига чиқиб кетганлиги, маслаҳатдан кейин далилларни текшириш жараёнини тиклаб, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш учун суд муҳокамасини 24 мартга қолдирилганлиги, аммо ИПКнинг 177-моддаси талабини бузиб, бу ҳақда ажрим чиқарилмаганлигини ваз қилиб кўрсатган.

Бироқ, ИПК 174-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар суд музокаралари вақтида ёки улардан кейин суд қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текшириш зарур деб тан олса, у далилларни текширишни тиклайди, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Яъни, процессуал қонунчиликда суд музокараларидан кейин суд қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текшириш зарур деб тан олганда ва далилларни текширишни тиклаганда ажрим чиқариш назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, назорат шикоятда 10-1704/14493-сонли иқтисодий иш бўйича 2017 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори Б.Шомаксудов томонидан қабул қилинганлиги, мазкур иш апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида



Б.Шомаксудов прокурор сифатида иштирок этганлиги, аммо ИПК 21-моддасининг 2-бандига асосан у ишнинг натижасидан манфаатдор бўлганлиги сабабли ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим бўлганлигини важ қилиб келтирган.

Бирок, Б.Шомаксудовнинг 10-1704/14493-сонли иқтисодий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ва мазкур иш апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида у прокурор сифатида иштирок этганлиги Б.Шомаксудовнинг ишнинг натижасидан манфаатдор бўлганлигини англамайди.

Биринчи инстанция суди иш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилишда баён қилинганларни инобатга олмаган ва даъвогарга тегишли бўлган 0,365632 фоиз улуши қийматидаги 591 258 735,86 сўм зарарни ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шунинг учун апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиб, асосли равишда даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Мазкур ҳолатда бундай асослар мавжуд эмас.

Шу боис, Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 14 майдаги қарорини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, суд назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этишни лозим топади.

Юқоридагилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 312 ва 315-моддаларига асосланиб, суд

**а ж р и м қ и л а д и:**

Даъвогар К.Бекходжаевнинг назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари номига ажримни бекор қилиш ҳақида ариза бериши мумкин.

Судья



**И. Таджиев**